



20_20 у « 6 » апрель

№ К-154

« ____ » 20__ г

Термиз тумани “Учқизил”
маҳалласи худудидан “Янгиобод
Универсал даромад” МЧЖга
“Иссиқхона биноси” қурилиши
учун ер майдони ажратиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 5-моддасига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2019 йил 20 мартағи 4246-сон қарорига асосан, вилоят ҳокимлиги хузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 24 мартағи 05-02/162-сон йиғилиш баёни ва Термиз тумани ҳокимининг 2020 йил 09 мартағи 31/01-42-сон хатини кўриб чиқиб,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Вилоят ҳокимлиги хузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 24 мартағи 05-02/162-сон йиғилиш баёни тасдиқлансин.

2. Термиз тумани “Учқизил” маҳалласи худудидан “Янгиобод Универсал даромад” МЧЖга туман ҳокимлиги захира ер фондидан қишлоқ хўжалик харитасининг 5к-дала контуридаги тупроқ унумдорлиги 38,3 балл бўлган 2,0 гектар сугориладиган экин ер майдони қишлоқ хўжалик маҳсулотларини (цитрус мевалари) етиштириш мақсадида “Иссиқхона биноси”ни қуриш учун вақтинчалик (10 йил муддатга) фойдаланиш хуқуки билан ажратилсин.

3. “Янгиобод Универсал даромад” МЧЖ бошлиғи К.Джалиловга:

ажратилган ер майдонидан факат иссиқхона ташкил этиш учун фойдаланиши;

мақсадсиз фойдалангандаги ажратилган ер майдони туман ҳокимлиги захирасига қайтариб олиниши кўрсатиб ўтилсин.

4. Вилоят ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси (А.Ганиев) ва Термиз тумани ҳокимлиги (Ш.Уринов) ер майдони ажратилиши муносабати билан туман ер ҳисботига тегишли ўзгартириш киритишни таъминласин.

5. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосари Х.Саматов зиммасига юклансин.

Вилоят ҳокими DEVONXONA



Т.Боболов